

«ТАСДИҚЛАЙМАН»
«UzAuto Motors» АЖ
Бош директорининг 1-ўринбосари
_____ Б.У. Хусаинов
«_____» _____ 2022 г.

ТАНЛОВ ҲУЖЖАТЛАРИ

“UzAuto Motors” АЖда Оних ва Tracker русумли автомобилларни ташишда ўриндиқларни ҳимоя қилиш учун қопламаларни етказиб бериш буйича энг яхши таклифни танлаш.

Буюртмачи: «UzAuto Motors» АЖ

Тошкент – 2022 й.

Мундарижа


- I. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома.
- II. Танловнинг техник қисми.
- III. Танловнинг нарх қисми.
- IV. Шартнома лойихаси.

I. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома

1	Умумий қоидалар	1.1	Мазкур танлов ҳужжатлари Ўзбекистон Республикасининг «Давлат харидлари тўғрисида»ги Қонуни (кейинги ўринларда «Қонун»)га ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 20.02.2018 даги №ПҚ-3550 сонли «Лойихаолди, лойиха, тендер ҳужжатлари ва шартномаларини экспертизадан ўтказиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори (кейинги ўринларда «Қарор»)га, шунингдек, Харид қилиш тартиб-таомилларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низом (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 26 майда рўйхатдан ўтказилган, рўйхат рақами 3016) (кейинги ўринларда «Низом»)га мувофиқ ишлаб чиқилган.
		1.2	Танлов мавзуси: GMW14162 – Ёругликка чидамлик, GMW3205- Махслот хидига талаблар, GMW14444 – Ювиш воситасига чидамлик, GMW3235 - Кирланиш, GMW14102 – Намликка чидамлик, GMW14126 – Совук иклимга эффекти.
		1.3	Танловнинг қўйи ва юқори қийматлари ва валюталари танлов ҳужжатларининг нарх қисмида кўрсатилган.
		1.4	Сотиб олинadиган товарлар (хизматлар ва ишлар) учун техник топшириқлар танлов ҳужжатларининг техник қисмида кўрсатилган.
2	Танлов ташкил қилувчилар.	2.1	Танлов буюртмачиси «UzAuto Motors» АЖ (кейинги ўринларда «Буюртмачи») ҳисобланади. Буюртмачининг юридик манзили: Ўзбекистон Республикаси, 170200, Асака ш., Хумо к-си, 81 Буюртмачининг реквизитлари: МФО 00043, СТИР 200244767, х/р 2021 4000 8005 3230 5001 АКБ «Асака» Асака филиали
		2.2	Буюртмачининг алоқа боғловчи вакили: “Интерьер ва хафсизлик” бўлини маси менеждери Каримов К.Ф. <i>email:</i> Kamoliddin.Karimov@uzautomotors.com тел: +99878 140 55 40 #3 1916 Таъминот бўйича агент: Исаков О.Н. <i>email:</i> Ohunjon.Isakov@uzautomotors.com тел: +99878 140 55 40 #3 1920
		2.3	Танлов комиссиясининг ишчи органи «UzAuto Motors» АЖ Маҳаллийлаштириш ва бевосита материалларни харид қилиш бошқармаси (кейинги ўринларда «Ишчи орган») ҳисобланади.
		2.4	Шартнома эгаси: «UzAuto Motors» АЖ
		2.5	Танлов ҳужжатлари қонунга мувофиқ ташкил қилинган беш кишидан иборат компания комиссияси томонидан баҳоланади.
3	Танлов иштирокчилари	3.1	Танловда Ўзбекистон Республикаси резидентлари ва норезидентлари иштирок этишлари мумкин, Ушбу танлов

			хужжатларининг 4.2 бандида кўрсатилган шахслар бундан мустасно.
4	Танлов ўтказиш тартиби	4.1	Танловда иштирок этиш учун иштирокчилар: а) таклифларни қонунчилик талаблари ва муддатларига, ҳамда танлов хужжатларига мувофиқ равишда юборишлари керак.
		4.2	Танловда иштирок этишга қуйидаги иштирокчиларга рухсат берилмайди:
			- қайта ташкил бўлиш, тугатилиш ёки инқирозлик босқичида турган;
			- буюртмачи билан судлашув ёки арбитраж муҳокамасида бўлган;
			- Лаёқатсиз (инсофсиз) ижрочиларнинг ягона рўйхатида бўлган;
			- солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарздорлиги бўлган;
			- Имтиёзли солиқ тизими билан таъминлайдиган ва/ёки молиявий операциялар ўтказишда ошкораликка ва маълумот беришга йўл қўймайдиган давлатлардаги ёки худудлар (оффшор худудлар) даги банкларда ҳисоб рақамлари бўлган ёки рўйхатдан ўтган;
			- Ихтисослашган ташкилот ва унинг аффилиланган шахси бир вақтнинг ўзида ушбу лотда қатнашиши мумкин эмас
		4.3	Буюртмачи қуйидаги ҳолатларда танлов иштирокчисини харид жараёнида иштирок этишдан четлатиш ҳуқуқига эга:
			- танлов иштирокчиси давлат харидлари жараёнида давлат буюртмачиси томонидан бирор-бир хатти-ҳаракатнинг содир этилишига, қарор қабул қилинишига ёки бирор-бир харид қилиш тартиб-таомилининг қўлланилишига таъсир ўтказиш мақсадида давлат буюртмачисининг ёки бошқа давлат органининг исталган ҳозирги ёки собиқ мансабдор шахсига ёки ходимига ҳар қандай шаклдаги ҳақни, ишга ёллаш тўғрисидаги таклифни ёхуд исталган бошқа қимматбаҳо буюмни ёки хизматни бевосита ёхуд билвосита таклиф қилса, берса ёки беришга розилик билдирса;
			- танлов иштирокчиси ЎзР қонунчилигини бузган ҳолда бошқа рақобатчилардан адолатсиз устунликка эга бўлса ёки қонунчиликка зид равишда манфаатлар тўқнашуви мавжуд бўлганда

5	Танлов тили, ўлчов бирлиги	5.1	Иштирокчи ва буюртмачи ўртасида амалга оширилаётган танлов таклифи ва унга боғлиқ ёзишмалар (хужжатлар) ўзбек тилида бўлиши керак. Танлов таклифи бошқа тилда тақдим қилишга рухсат қилинади. Бирдан ортиқ тилдан фойдаланилганда, танлов матнида тафовут бўлса ўзбек тилидаги матн устун қўйилади. Техник хужжатларни инглиз тилида тақдим қилишга рухсат этилади.
			Танлов таклифларида умумий қабул қилинган ўлчов тизимидан фойдаланилиши керак.
6	Танлов таклифи ва уни расмийлаштириш тартиби	6.1	Таклифлар etender.uzex.uz порталида эълон берилган танлов кундан бошлаб 5 (беш) иш кун ичида қабул қилинади.
		6.2	Етказиб берувчи электрон танловда иштирок этиш учун etender.uzex.uz веб-сайтда рўйхатдан ўтишиши керак.
		6.3	Рўйхатга олингандан сўнг, етказиб берувчи аванс тўлови ва комиссия тўловлари учун етарли маблағга эга бўлиши керак. -Комиссия тўлови шартнома суммасининг - 0% га тенг. -Олдиндан тўлов-бошланғич нархидан 0% га тенг. Етказиб берувчи жорий ҳисобда етарли маблағга ега бўлмасдан туриб, электрон танловда иштирок ета олмайди.
		6.4	Танлов иштирокчиси:
			- тақдим қилинаётган маълумот ва хужжатларнинг хақиқийлиги ва ишончлилигига жавобгар;
			- фақат битта таклиф бериш ҳуқуқига эга;
			-Етказиб берувчи товарларни етказиб беришнинг барча шартларини, унинг техник ва миқдорнинг индивидуал талабларни ҳисобга олиш керак
		6.5	Танлов таклифи икки қисмдан иборат: - техник қисм буюртмачининг техник талабларига мос келиши лозим ва таклиф қилинаётган товар ҳақида батафсил маълумотни ўзида мужассам қилган бўлиши керак; - нарх қисми танлов шартларига мос келиши керак ва танлов таклифининг нарх қисмидаги талабларда кўрсатилган маълумотларни (шу жумладан, маҳсулот номи, бир дона учун нарх, барча солиқлар қўшилгандаги умумий нарх, тўлов шартлари, таклифнинг амал қилиш муддати ва х.к.) ўз ичига олган бўлиши керак
9	Таклифларни баҳолаш усули	9.1	Балл усули. Балл усулини танлашда миқдор иштирокчилар таклифларининг техник ва нарх параметрларининг аҳамияти нисбий миқдорий кўрсаткичларини қўшимча равишда кўрсатиши керак. -Маҳсулот техник қисмининг миқдорий кўрсаткичи 60% -Нарх қисмининг миқдорий кўрсаткичи 40%

		9.2	<p>Танлов ҳужжатларида кўрсатилган шартлар асосида электрон тизим автоматик равишда ғолиб сифатида аниқланади:</p> <p>-танлов таклифининг техник ва нарх қисмларини баҳолашни ҳисобга олган ҳолда энг кўп балл тўплаган иштирокчи (балл усулидан фойдаланганда)</p> <p>-орасида энг паст нарх таклиф қилган иштирокчи (энг паст нарх усули ёрдамида) электрон танловда иштирок этишни давом еттиришга рухсат берилган иштирокчилар.</p>
10	Томонларнинг жавобгарлиги ва махфийликка риоя қилиш	10.1	<p>Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида кўзда тутилган махфийликка риоя қилинишига қуйидагилар жавобгар:</p> <ul style="list-style-type: none"> - ишчи орган таркибига кирувчи, келиб тушаётган танлов таклифларини ҳисобга олиб борадиган ва уларнинг сақланганлиги ва махфийлигини таъминлайдиган шахслар; - комиссия раиси ва аъзолари, шунингдек, танлов таклифларини ўрганиш, маълумотлар ошкор қилиниши, иштирокчилар, бошқа комиссия аъзолари ва жалб қилинган мутахассислар ўртасида тил бириктиришлар ва бошқа ноқонуний хатти-харакатлар назорати учун ташкил қилинган ишчи гуруҳ аъзолари
		10.2	<p>Шартнома бўйича мажбуриятлари (миқдор, сифат ва бошқа техник параметрлар бўйича) ни бажармаган танлов ғолиби Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига ва/ёки имзоланган шартномага мувофиқ жавобгарликка тортилади.</p>
11	Бошқа шартлар	11.1	<p>Агар танловда илгари Ўзбекистон Республикасига етказиб берилмаган завод махсулотлари таклиф қилинса, танлов комиссияси танлов иштирокчисидан ушбу махсулотлар бўйича учинчи томон билдирган фикр-мулоҳазани тақдим қилишни сўрашга ҳақли.</p>
		11.2	<p>Танловда қатнашиш истагини билдирган иштирокчилар ўтказилаётган танлов ҳақида изох олиш учун ишчи органга муурожаат қилиш ҳуқуқига эга</p>
	 Форма подачи запроса на разъясне	11.3	<p>Танлов иштирокчиси буюртмачига танлов эълонида кўрсатилган шаклда танлов ҳужжатлари қоидаларини тушунтириб берилиши тўғрисида сўров юборишга ҳақли. Мазкур сўров таклиф тақдим қилиш муддати тугашига 3 (уч) иш кун қолганидан аввал қабул қилинган бўлса тақдим қилинган кундан бошлаб 3 (уч) иш кун ичида буюртмачи белгиланган шаклда танлов ҳужжатлари қоидаларига тушунтиришлар юбориши шарт. Танлов ҳужжатлари қоидаларини тушунтириш унинг мохиятини ўзгартирмаслиги керак.</p>
		11.4	<p>Қуйидаги ҳолларда танлов комиссияси томонидан танлов ўтказилмаган деб эълон қилиниши мумкин:</p> <ul style="list-style-type: none"> - танловда битта иштирокчи қатнашса ёки ҳеч ким қатнашмаса;

			- таклифларни кўриб чиқиш натижасига кўра танлов комиссияси ҳамма таклифларни танлов ҳужжатлари талабларига мос келмаганини назарда тутган ҳолда рад этган бўлса.
		11.5	Буюртмачи ғолиб бўлган таклиф қабул қилинишидан олдин исталган вақтда танловни бекор қилишга ҳақли. Танлов бекор қилинган тақдирда буюртмачи ушбу қарорнинг асосли сабабларини махсус ахборот порталида эълон қилади.
12	Шартнома имзолаш	12.1	Танлов натижаларига кўра танлов ҳужжатлари ва иштирокчи тақдим қилган танлов таклифи шартлари асосида ушбу иштирокчи билан шартнома имзоланади.
		12.2	Танлов комиссияси хулосасига кўра ғолиб деб топилган танлов иштирокчиси ғолиб аниқланган кундан бошлаб 5 (беш) иш куни ичида танлов комиссияси хулосаси ҳақида ёзма равишда огохлантирилади. Ғолиб аниқланган пайдан бошлаб 10 (ўн) иш кун ичида буюртмачи ва ғолиб шартнома имзолашлари керак.
		12.3	Танлов ғолиби танлов шартлари бўйича шартнома имзолашни рад этган ҳолда шартнома имзолаш ҳуқуқи захирадаги иштирокчига ўтади. Бундай ҳолатда захирадаги иштирокчи танлов ғолиби таклиф қилган нарх бўйича шартнома имзолаши ёки шартнома имзолашни рад этиши мумкин.

II. ТЕХНИК ҚИСМ

ОНИХ ВА TRACKER РУСУМЛИ АВТОМОБИЛЛАРНИ ТАШИШДА ЎРИНДИҚЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ҚОПЛАМАЛАРИ УЧУН ТЕХНИК ҚИСМ

Кўрсатилаётган хизматларнинг сони, ҳажми ва хусусияти (талаблари).

Хизматлар кўрсатиш (ишларни бажариш) Иштирокчи томонидан Танлов ҳужжатларининг техник қисми, 1-илоvasида кўрсатилган «Техник топшириқ» (кейинги ўринда – ТТ деб юритилади) талабларига мувофиқ амалга оширилиши талаб қилинади.

Бутловчи қисмларни етказиб бериш муддати (ёки жадвали), бажарилган ишлар ва кўрсатилган хизматлар.

Етказиб бериш тартиби, 1-иловада келтирилган, қисмларни етказиб бериш ҳисоб-варақа (счёт-фактура) асосида амалга оширилади.

Илова: Техник топшириқ (ТТ)

- тахминий йиллик талаб -30 000 дона

*Ишлаб чиқариш режасининг ортиши ёки камайиши туфайли эҳтиёж ўзгариши мумкин

II. Махсулот нархи бўйича

Иштирокчи томонидан, махсулот нархлари ҚҚС билан ва ҚҚС сиз тақдим этилади. Таклиф қилинаётган нархлар ва нархлар жадвали Иштирокчи томонидан Танловнинг нархлар қисмида тақдим қилинади.

Иштирокчи томонидан, махсулотлар (хизматлар, ишлар) бирлигининг нархлари кўрсатилиши шарт.

Агар Буюртмачи томонидан нарх шаклланиш жадвали тақдим этилган ҳолда, Иштирокчи томонидан тўлдирилган жадвал электрон кўринишда тақдим этилиши шарт. Барча нарх шаклланишидаги формулалар кузатилиши имкони ва нархларни таркибий қисмлари шаффоф ва тушунарли бўлиши лозим Яширин формулалар ёки нархлар шаклланишидан фойдаланмаслик лозим.

Буюртмачи, Иштирокчи томонидан асосий нарх таклифига ҳар қандай қўшимча ёки муқобил нарх таклифларини кўриб чиқмаслик ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади.

1	Йиллик харид қиймати (Годовой объем)	450 000 000 Сум ҚҚС сиз
2	Молиялаштириш манбаи	Ўз маблағлари асосида
3	Тўлов шартлари ва тўлов тартиби	100% материаллар етказиб берилгандан сўнг, ёки Томонларнинг келушуви бўйича бошқа шартлар.
4	Тўлов валютаси	UZS – Ўзбекистон Республикасининг миллий валютаси (Сум)/ Томонларнинг келушуви бўйича бошқа валюта
5	Етказиб бериш вақти	Шартнома/Контракт бўйича буюртма берилган кундан бошлаб 10 иш кун ичида
6	Махсулот етказиб бериш жойи (ишни бажариш)	г. Асака, ул. Хумо 81 Асака шаҳар, Хумо кўча, 81
7	Танлов учун таклифлар тақдим этилишининг амал қилиш муддати	5 иш кун
8	Етказиб бериш шартлари	DAP завод UzAuto Motors